O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“IQTISODIYOT NAZARIYASI” KAFEDRASI

“INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMATLAR SOHASI VA TARMOQLARINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2024 YIL 15 MAY



SAMARQAND

5. Bridgland A., Goodacre C. Benchmarking in higher education: a framework for benchmarking for quality improvement purposes // IPEA, 2005. – 9 p. https://minervaaccess.unimelb.edu.au/handle/11343/33826
6. Giuri P., Munari F., Scandura A., Toschi, L. The Strategic Orientation of Universities in Knowledge Transfer Activitiesa // Technological Forecasting & Social Change. - №138, 2018. – P. 261-278. https://doi.org/10.1016/j.techfore.2018.09.030
7. Oliveira L., Figueira A. Benchmarking Analysis of Social Media Strategies in the Higher Education Sector // Procedia Computer Science. - №64, 2005. – P. 779-786. https://doi.org/10.1016/j.procs.2015.08.628
8. Placek M., Ochrana F., Pucek M. Benchmarking in Czech Higher Education // NISPAcee Journal of Public Administration and Policy, -№8(2), 2015. – P. 101-124. https://doi.org/10.1515/nispa-2015-0011
9. Robert J.W., Thed N.L., Erik W. Benchmarking university-industry research cooperation worldwide: performance measurements and indicators based on co-authorship data for the world's largest universities // Research Evaluation. - №18. Issue 1. March, 2009. – P. 13-24. https://doi.org/10.3152/095820209X393145
10. Rusdiana H.A. Manajemen Operasi (B.A.Saebani (ed.); 1st ed.). CV Pustaka Setia Bandung. – 414 p. https://etheses.uinsgd.ac.id/8788/1/Buku%20Manajemen%20Operasi.pdf
11. Scott R. Benchmarking: A Literature Review // Academic Excellence, Centre for Learning & Development, 2011. – 14 p. https://intranet.ecu.edu.au/ data/assets/pdf file/0010/357193/Benchmarking-Literature-Review.pdf
12. Shoev D. Boshqarish sifatini oshirishda benchmarkingning o ‘rni // Raising a new generation in era of global transformation. – 2022. – P. 172.
13. Zulaykho Anvarjonqizi U. Principles of organization of benchmarking services in industrial enterprises // International Conference on Research Identity, Value and Ethics. – 2022. – P. 510-513.

ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ: МУЗЕЙ ТУРИЗМИ

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти и.ф.ф.док., доцент

Аннотация - Мақолада Аҳолининг маънавий-маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти, тарихи, назарий асосларига алоҳида аҳамияти берилган.

Калит сўзлар: музей, туризм, маданият, меърос, маърифат, турмуш даражаси, турмуш сифати, ёшлар, маънавият, садоқат, мухаббат, авлод, тарбия.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида

тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов (1998 йил 12 январдаПФ-1913-сон) «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди.

Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Ғазнавий ҳам жуда кўп китоблар тўплаган. Хоразмшох Муҳаммад мамлакатнинг равнақи йўлида катта ишлар қилди. Ғўзал саройлар, қасрлар, мақбаралар қурди. Нодир моддий-маънавий бойликлар тўпланди, аммо бу бетакрор санъат ва маданият ёдгорликлари, бутун шаҳар мўғул босқинчилари истилоси туфайли йўқотилди. Кутубхоналар ёндирилди, маданий ҳаёт 100 йиллар орқага чекинди. Орадан 150 йил ўтгандан сўнг Ўрта Осиёда фан ва маданият қайта ривожлана бошлади. Айниқса, Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтахт қилиниши катта бойликларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Меъморий ёдгорликлар, мақбаралар, масжид-мадрасалар, саройлар қурилди.

Амир Темур забт этган мамлакатлардан қадимий қўлёзмалар, хон, амирларга тегишли ёзишма ва элчилик ҳужжатлари, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиш «Усмон Қуръони»нинг асл нусхасини Самарқандга келтирди. Дунёга машҳур Темур кутубхонасини барпо этди. Темурнинг севикли набираси, Шарқнинг буюк астроном олими Мирзо Улуғбек бу кутубхонани янада бойитди. Темурий ҳукмдорларнинг ҳаммаси маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг жуда катта, нодир, қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Беҳзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланганлар. Бухоро-Хива хонликларида ҳам нодир қўлёзмалар коллекциясини тўплаб сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиш одат бўлган эди.

Хива хони Мухаммад Рахим II, (Феруз тахаллуси билан машҳур шоир 1865-1910) кутубхона барпо этиб уни дунёнинг ҳар чеккасидан келтирилган нодир қўлёзмалар билан бойитиб боради. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хивада литография ташкил қилиб, ноширлик санъати ривожлантирилади. XIX асрда Хива хонлиги ўзининг китоб хазинаси билан дунёга машҳур бўлади. Бу ерда араб, форс-тожик тилларидаги қўлёзмалар ўзбек тилига таржима қилинган.

Бухорода яшаб, қадимий тилла ва кумуш тангаларни йиғади ва 200 дан ортик нодир нумизматика коллекциясини барпо этиб, Британия музейига тақдим этади. Ҳозир бу коллекция бебаҳо ҳисобланади. Бу

талончиликда Рус империяси алоҳида, кенг кўламда «изланиш» ишларини олиб борди.Бу жараён айникса, XIX асрга келиб жуда кучайиб кетди.

Петербургдаги Осиё музейининг директори, шарқшунос олим Х. Д. Френ 1834 йил Ўрта Осиёдан излаб топилиши мумкин бўлган Шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарнинг хронологик рўйхати» ни тузиб чиқди. Оренбург божхонасига савдогарларни жўнатиш ва кўрсатилган қўлёзмаларни Петербургга юбориш ҳақида фармойиш берилди, бу вазифа буюрганидан ҳам аъло даражада бажарилиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи географиясига доир қимматли қўлёзмалар Петербургга оқиб кела бошлади. Бу Ўрта Осиё моддий ва маънавий ёдгорликларининг олиб кетилишининг биринчи босқичи эди. Шу даврдаёқ Европа давлатлари ва Россиянинг подшо саройлари кутубхоналарида Туркистон ёдгорликлари пайдо бўла бошлади. 1853 йили рус қўшинлари томонидан Оқ масжид қалъасининг қўлга киритилиши пайтида моддий ва маънавий хазиналаримиз рус қўшини томонидан ваҳшийларча таланди.

1869 йилдан режали ўлжа йигиш чоралари ишлаб чиқилди. Солдат-офицерлар қўлларига Петербургда ёзилган тавсиянома берилиб, қандай нарсаларга аҳамият беришликлари кўрсатилган эди. Асосий мақсад: Туркистон шаҳарлари ва хонликлардан қўлёзмалар, ҳужжатлар, танга, муҳр, амалий санъат намуналари, осори-атиқалар, маҳаллий ҳунармандларнинг ижод маҳсулотлари, гиламлар, мис ўймакорлиги буюмлари, нодир эгар-жабдуқлар, заргарлик буюмлари, айниқса, соплари дур, гавҳар тошлари билан безатилган қимматбаҳо металлардан ясалган қилич, ханжар, пичоқлар ва бошқа буюмлар Петербургдаги музей ҳамда кутубхоналарга жўнатилиши керак эди.

Ҳарбий бошлиқлар ва амалдорлар бу қимматбаҳо ёдгорликлардан ўзларига коллекция тўплашни ҳам унутмадилар.1869 йили Самарқандда Туркистонннинг биринчи генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман (1867-1882й) мусулмон дунёсининг муқаддас китоби VII аср Куфа қўлёзма ёдгорлиги «Усмон Куръони»ни Петербург императорига жўнатди. 1870 йили Бухоро амири фуқаролари қўзголонини бостириш баҳонасидаги ҳарбий юришда Шаҳрисабз ва Китоб бекларига қарашли жойлардан 97 жилд қадимий қўлёзмалар тортиб олинди.

Маданий ва маънавий ёдгорликларни илмий асосда йигиш 1873 йили Хива хонлигига юриш олдидан жуда мукаммал ташкил қилинди. Бу ишга Петербургдаги рус география жамияти бош- қош бўлди. Йирик шарқшунос олим П. И. Лерх хонликда нималарга эътибор бериш ва йигиш ҳақида мукаммал дастур ишлаб чиқиб Туркистонга юборди.Дастур, яъни «Кўрсатма» типография йўли билан нашр қилиниб солдат ва офицерларга тарқатилди.«Кўрсатманинг» махсус бўлимида архив ҳужжатлари, тилла, кумуш тангалар ва қўлёзма китобларни йигиш алоҳида қайд этилди. Яна кўрсатиладики, юқоридаги ёдгорликлар, қозихоналар, масжид-мадраса ва хонадонлардан олинсин. Бу ерларда Абу Райхон Беруний, А. Навоий ва бошқа мутаффаккирларнинг қўлёзмалари бўлиши шартлиги кўрсатилади. Ёзилган қўлёзма ва осори-атиқа буюмларини Петербургга жўнатиш

Туркистон генерал-губернаторининг фахрий маслаҳатчиси шарқшунос олим А.Л.Кун зиммасига маъмурий йўл билан юклатилади.Солдат ва офицерларни рағбатлантириш йўллари кўрсатилади.

Бу пайтда Хива хони шошилинч равишда қочган бўлиб, сарой босқинчилар ихтиёрида қолган эди. Хон саройи ва ундаги хазиналар талон-тарож этилди, қўлёзмалар ва ҳужжатлар Петербург императори кутубхонасига (хозирда С. Шедрин номидаги Петербург давлат кутубхонаси) жўнатилди. Хива хони тахти эса 1874 йилда Москвадаги қурол-аслаҳа палатасига топширилди. Бу тахтни илмий тавсиф этган рус олими В. В. Стасов: «Бу тахт Хива ҳунарманд усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металлга гул солиш ҳунарининг бетакрор маҳсули» дейди.

Хон саройидан олинган қимматли ўлжалар ичида 200 та пул ясайдиган қолиплар, 25 пуд тилла ва кумуш, хон муҳри, 200 дан ортиқ қадимий тангалар, беҳисоб қимматли тошлар ва тиллодан ясалаган заргарлик буюмлари ва кийим-кечаклар бор эди. Бу нарсалар Петербург ва Москва музейларига Эрмитаж, Царскосельский арсенал, Москва политехника музейи, этнография музейи ва бошқа жойларга жўнатилди. Булар бутун дунёдан келтирилган санъат дурдоналари эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.
2. Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б. Бекмуродов М.Б., Рашидова М.Х., Музейшунослик.Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.-110 б.: Н. В. Мягтиной; Музееведение: Учеб. пособие Владим. гос. ун-т. – Владимир: Изд-во ВлГУ, 2010. – 114 с.
3. Юренева, Т. Ю. Музееведение : Учеб. для высш. шк.– 4-е изд., испр. и доп.– М.: Академ. проект, 2007. – 560 с. Сотникова, С. И. Музеология: Пособие для вузов, – М.: Дрофа, 2004. – 192 с.

ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В ПРОЦЕССЕ ИНВЕСТИРОВАНИЯ

Саламов Ф.Ф. - старщий-преподаватель кафедры “Экономическая теория” Самаркандского института экономики и сервиса

Ключевые слова: инвестиция, агрегирования, сбережение, субъект, поведения хозяйствующих субъектов,

Аннотация: статья посвящена анализу сберегательных мотиваций и мотиваций инвестиционного спроса кейнсианской теории.

Принципиальную позицию занимает Дж. М. Кейнс, который по праву считается родоначальником макроэкономического подхода к системе